Кер. № 3
Гос. книжная палата УзССР
10 ДЕК 1982

Қарақалпақстан әдебияты ҳәм искусствосы ғайраткерлерине жалынлы сәлем!

Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати намояндаларига алангали салом!

Бугун Тошкентда Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари бошланди

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 277 (4972).
9 ДЕКАБРЬ 1982 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

1. ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИ ҚЎШИҒИ

Совет республикаларининг қардошлик оиласида Қорақалпоғистон диёри жадал ривожланмоқда ва кундан-кунга кўркамлашиб бормоқда.

Совет давлатининг 60 йиллигини қадимий ўлка экономикаси, фани ва маданияти равнақ топган ҳолда кутиб оляпти.

С. Маҳкамовнинг «Қорақалпоқ диёри қўшиғи» деб номлангаан фотоочерки Совет Қорақалпоғистонининг янги қурилишлари ва унинг одамлари, адабиёти ва санъатининг юксалиши, Нукус ва Тошкент шаҳарларн маданият усталарининг дўстлиги ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТЛАРДА: Қорақалпоғистоннинг пойтахти— Нукус шаҳри.

● В. И. Ленин номли майдондаги доҳий ҳайкали.
● Маъмурий бино.
● Нукус Давлат университети.

Маданият кунлари хроникаси

Тошкент Қорақалпоғистон АССР маданияти усталари делегациясини кутиб олди. Тошкент вокзалида тантанали митинг бўлиб ўтди.

Қардош автоном республикадан келган меҳмонлар В. И. Ленин номидаги майдонда бўлишди. Улар доҳий ҳайкали пойига ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди.

Қорақалпоғистон АССР делегациясининг аъзолари Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида қабул қилиндилар.

Қардош республика адабиёти ва санъати усталари кунининг иккинчи ярмида В. П. Чкалов номли Тошкент авиация, «Средазкабель», «Малика» трикотаж, «Узбексельмаш», «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаларини бориб кўрдилар. Композиторлар, ёзувчилар, артистларнинг бу корхоналарнинг ишчилари билан самимий учрашувлари бўлди. Қорақалпоғистон АССР санъат усталари ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

БУЮК ҚАРДОШЛИК ҚУДРАТИ

У. У. УМАРОВ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Бугунги кунда республикамизнинг барча меҳнаткашлари, барча аҳолиси КПСС Марказий Комитетининг 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони учун қийин курашда матонат ва фидокорлик кўрсатган пахтакорлар, ишчи ва хизматчилар, ўқувчи-ёшлар меҳнатига берган юксак баҳоси таассуроти билан яшамоқдалар. «Беш йилликнинг иккинчи йили ҳосили учун бўлган жанг пахтачилик тарихига деҳқонлар матонати ва қаҳрамонлиги рамзи, ватанпарварлик ва интернационал бурчга садоқат рамзи бўлиб киради»,— деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон деҳқонларининг меҳнатдаги катта ғалабаси муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Табрикномасига бағишланиб Тошкентда ўтказилган тантанали митингда сўзлаган нутқида.

Биз бу меҳнат жасоратида Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг ҳам катта ҳиссаси борлиги билан фахрланамиз.

Айни шу қувончли кунларда биз Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари қатнашчилари — азиз меҳмонларимизни кутиб оляпмиз. Бу байрам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган дўстлик байрамидир.

Тошкент аллақачон адабиёт ва санъат намояндаларининг йирик анжуманлари ўтказиладиган жой бўлиб қолди. Мана, халқларимиз ва маданиятларимизнинг янги, қувончли ва ёрқин байрами. Бу байрамга шаҳар, унинг аҳолиси қизғин тайёргарлик кўрди, албатта. Қорақалпоғистон области, кейинчалик эса Қорақалпоғистон автоном республикаси ташкил этилган дастлабки кунлардан буён бизнинг ўртамизда мустаҳкам, ҳақиқий қардошларча дўстлик қарор топди. Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг тарихий ва социал ривожланишдаги, тили, урф-одатлари, маданиятларидаги жуда кўп умумий жиҳатлар борлиги учунгина эмас, бу мустаҳкам алоқалар тузумимиз, бутун совет воқелиги, социалистик ва коммунистик қурилишнинг бутун амалиёти билан майдонга келгандир. Қорақалпоқ қардошларимиз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали, Нукус Давлат университети сингари йирик илмий марказлари, Нукус, Хўжайли, Тахиатош, Мўйноқдаги қудратли саноат энергетика комплекслари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Буларни бунёд этишда тошкентлик олимлар, архитекторлар, билимнинг турли соҳаларидаги мутахассислар бевосита иштирок этишди.

Бугунги кунда Тошкент Қорақалпоғистонга кабель ва электрон саноати буюмлари, пахта териш машиналари, сеялкалар, культиваторлар ва бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқда. Ўз навбатида Қорақалпоғистондан, энг аввало унинг пойтахти Нукусдан, шунингдек Мўйноқдан ва бошқа шаҳарлардан Ўзбекистон пойтахтига ҳилма-ҳил саноат маҳсулотлари, қудратли қишлоқ хўжалик комплекслари келиб турибди.

Биз Қорақалпоғистон маданият усталарининг эришган муваффақиятлари билан ҳам зўр қизиқиш билан танишамиз. Тошкентликлар Ж. Оймирзаев, И. Юсупов, Т. Қаипбергенов, Т. Жумамуротов ва Қорақалпоғистон АССРнинг бошқа ёзувчилари номи ва китобларини яхши биладилар. Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат санъат музейида ажойиб қорақалпоқ ҳайкалтароши Ж. Қуттимуротовнинг асарлари намойиш қилинмоқда. Тошкент метрополитени, шу жумладан метронинг «Тошкент» станциясини безатишда Саппарниёз Султонмуродов иштирок этяпти. Бизда СССР халқ артисти Ойимхон Шомуродова, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Г. Сиримбетова, «Қирқ қиз», «Ойқулаш» ансамбллари ва бошқа ижрочларнинг ижодини жуда севишади.

Биз уларнинг кўпчилиги бугун дўстлик байрамининг қатнашчилари эканлигидан хурсандмиз.

Шаҳар бизнинг азиз меҳмонларимиз учун жуда кўплаб зал ва концерт майдонларини бериб қўйган. Навоий номидаги ўзбек Давлат академик катта театри байрам безагида. Бу ерда Тошкентда Қорақалпоғистон АССРнинг маданият кунлари очилишига бағишлаб тантанали кеча ва Қорақалпоғистон санъат усталарининг концерти ўтказилади. Тошкент меҳнаткашлари ижодий учрашувларда, қардош Қорақалпоғистондан келган профессионал артистлар ва ҳаваскор артистларнинг концертларида бўладилар. Ўз навбатида, биз Тошкентнинг азиз меҳмонларига унинг диққатга сазовор жойларини, янги қурилишларини кўрсатишдан, меҳнат коллективларининг муваффақиятлари ҳақида, КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошириш учун тошкентликлар қанчалик зўр ғайрат билан меҳнат қилаётганликлари ҳақида ҳикоя қилиб беришдан мамнунмиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Юрий Владимирович Андропов КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумида сўзлаган нутқида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш программасини шакшубҳасиз амалга ошириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган, пухта ўйланган иш олиб боришнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Коммунистик партия, унинг ленинча Марказий Комитети доно раҳбарлиги, улуғ мамлакатимиз барча халқларининг бузилмас дўстлиги бу йўлда янги зафарларимизнинг гаровидир.

Ҳеч шубҳа йўқки, Тошкентда Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари Совет халқлари дўстлиги солномасига янги ёрқин саҳифалар битажак.

Меҳмондўст Тошкент тупроғига хуш келибсиз, азиз дўстлар!

ЯГОНА АҲИЛ ОИЛАДА

Қ. К. КАМОЛОВ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари.

Қорақалпоғистон... Илгари ўлкамиз ҳақида ривоятлар тўқишган, халқнинг аччиқ қисмати ҳақида баҳшилар қўшиқлар айтишган.

Бугунги кунда эса бу ерда янги қўшиқлар янграмоқда. Бу меҳнат ва бунёдкорлик қўшиғи, дўстлик қўшиқларидир. Бу қўшиқлар таржимасиз ҳам барчага тушунарли.

Қорақалпоқдан сўраб кўринг, бахт нима? У сизга шундай жавоб беради: бахт бу Ўзбекистон халқларининг дўстона оиласида яшаш, улуғ мамлакатимиз барча халқларининг қардошлик оиласида яшашдир.

Қорақалпоғистон автоном республикасининг майдони шунчалик кенгки, унга Осиёдаги Шри Ланка ва Иордания сингари икки давлат бемалол сиғади. Республика шимолида Орол денгизи чайқалса, жанубдан унга Амударё сув келтиради.

Бу кенгликларда қорақалпоқлар оғир кунларни бошдан кечирдилар. Улуғ Октябргача улар на давлатга, на шаҳарларга, на катта йирик қишлоққа эга эдилар. Чор Россияси амалдорлари ва маҳаллий бойлар меҳнаткаш халқнинг қонини сўрарди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бахт-саодат олиб келди. Ўз тақдирини ўзи белгилаш, чор Россиясининг собиқ чекка ўлкасида иқтисодий ва маданий қолоқликка барҳам беришдек муҳим масалани ҳам ҳал этиш лозим эди. Ёш совет давлатининг бюджетидан Қорақалпоғистонга саноатни бунёд этиш ва ривожлантиришга муайян маблағ ажратилди. Бу ерда қурилаётган корхоналар учун Советлар мамлакатининг кўплаб йирик саноат шаҳарларидан дастгоҳлар келтирилди. КПССнинг доно миллий сиёсати натижасида дўстлик қуёши ҳароратида Қорақалпоғистонда бирин-кетин завод ва фабрикалар қад кўтара бошлади. Гидроузел ва суғориш шахобчалари қурилди. Бугунги кунда Қорақалпоғистон АССР ўз эҳтиёжлари учун саноат маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган ўлкадан кўпгина қардош республикаларга ва чет элларга саноат маҳсулотлари юборадиган ўлкага айланди. Масалан, Қорақалпоғистондан 73 та жойга пахта тоғи ва пахта толаси, консерва ва бошқа заводларнинг маҳсулотлари жўнатилмоқда.

Тахиатош ГРЭСи халқлар дўстлигининг ёрқин тимсолидир. Бу ерда бугунги кунда 25 миллат вакиллари — рус ва ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ, украин ва татар, турли миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. ГРЭСдан фақат Қорақалпоғистонгина эмас, балки Ўзбекистон ва Туркманистоннинг бир қатор областлари ҳам энергия олмоқда.

Революциягача бор-йўғи тўртта миллий мактабга эга бўлган ўлкада ҳозир ҳар уч кишининг бири ўқувчи ёки студентдир. Республикада 900 га яқин умумтаълим мактаблари, университет, ўнлаб техникум ва билим юртлари ишлаб турибди.

Фактларга мурожаат қилайлик. 1925 йилда қорақалпоқ тилида дастлабки алифбе нашр этилган бўлса, ҳозир Қорақалпоғистонда олий маълумотли ўн мингдаб қорақалпоқ мутахассислари ишламоқда. Йил сайин республика олимлари тобора кенгроқ миқёсдаги проблемаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиалида, чорвачилик, биология, медицина илмий-тадқиқот институтларида ва бошқа институтларда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар фақат Иттифоқ учунгина эмас, балки халқаро аҳамиятга эгадир. Бу ишларда мамлакатнинг кўпгина илмий муассасалари ва университетлари, энг аввало Тошкент олимлари билан амалий алоқалар катта ёрдам беряпти.

Қорақалпоғистоннинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми, ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг VII сессияси қарорларини зўр кўтаринки руҳда қутиб олдилар. Пленум минбаридан, сессия минбаридан яна бир бор шу нарса таъкидлаб ўтилдики, партия учун, унинг Марказий Комитети, Совет давлати учун ер юзида тинчликни сақлаш, совет халқи фаровонлигини янада ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам кўра муҳимроқ вазифа йўқ.

КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, республиканинг барча меҳнаткашларига табрикномаси пахтакорларнинг ижодий бунёдкорлик меҳнатига янги қудратли илҳом бахш этди.

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари бу эътибордан, партия ва ҳукуматимизнинг муттасил ғамхўрлигидан руҳланиб, КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қўйган улкан вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар. Ўн бир ойлик план ва мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди.

Бизнинг миллий маданиятимиз юксакликка кўтарилди. Биз шу кунларда Тошкент аҳолиси ва меҳмонларини бу ютуқларимиз билан кенг ва атрофлича таништирамиз. Рус, ўзбек ва бошқа халқларнинг қардошларча ёрдамисиз бунга эришиш мумкинмиди? Йўқ, албатта.

Бизнинг автоном республикамиз давлатга 437 минг тонна пахта топширганлиги ҳақида рапорт берди. Бунинг 63 проценти машиналарда терилди. Бу машиналар Тошкентда ишлаб чиқарилган. Бу ажойиб «зангори кема»ларсиз Қорақалпоғистон АССР республиканинг улкан хирмонига бунчалик салмоқли ҳисса қўшолмаган бўларди, қорақалпоқ пахтакорлари бунчалар муваффақиятга эришолмаган бўларди.

Автоном республикамиз тўғрисида, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги ҳақида жуда кўп ҳикоя қилиш мумкин. Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши деб бежиз айтишмайди.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида ўтказилаётган бу байрам қатнашчилари барча тошкентликларни, пойтахтнинг барча меҳмонларини ижодий учрашувларга, концертларга, санъат усталарининг чиқишларига таклиф этади. Қадрли дўстлар, сизлар бизнинг энг суюкли, азиз тингловчиларимиз ва томошабинларимиз бўласиз.

РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНИ

Жўлмирза Оймирзаев:

«ТОШКЕНТ—МЕНИНГ ОНА ШАҲРИМ»

...30-йилларнинг бошида, Қорақалпоғистон автоном республикаси ташкил этилганидан бироз кейин халқнинг энг истеъдодли ўғил ва қизлари Москвага ўқишга юборилди. Улар орасида Жўлмирза Оймирзаев ҳам бор эди. Бугунги кунда у Қорақалпоғистоннинг йирик сўз устаси, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ ёзувчиси, Бердах номидаги Қорақалпоғистон АССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзи правленнесининг аъзосидир.

— Ўша кунлар асло ёдимдан чиқмайди, — дейди Қорақалпоғистон АССРнинг Тошкентда ўтаётган маданият кунлари қатнашчиси Жўлмирза Оймирзаев. — Биз, қорақалпоқ халқи вакиллари рус қардошларимиз худди ўзларининг энг яқин кишиларидек кутиб олган эдилар. Худди ўша ерда, Москвада мамлакатимиз ёзувчиларининг биринчи съездида иштирок этишга муяссар бўлдим.

Қорақалпоқ сўз усталарининг ижодий ўсишида Тошкент ҳам катта роль ўйнади. Мен уни ҳақли равишда она шаҳрим дея оламан. Бизнинг авлодимиз Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Ойбек, Миртемир каби сўз усталари билан дўстоқа алоқалар ўрнатган, улардан маҳорат сирларини ўрганган эди. Мен Тошкентга биринчи марта 1936 йили келганман. Албатта ўшандан буён Ўзбекистоннинг ажойиб пойтахти таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бизнинг ижодий алоқаларимиз, маданиятларимизнинг бирбирини бойитиши кундан-кунга равнақ топмоқда. Ўз ижодим хусусида гапирадиган бўлсам, яқиндагина ўзбек тилида шеърий тўпламим босилиб чиқди. Ўз навбатида мен ҳам кўпгина ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарларини қорақалпоқ тилига таржима қилганман.

Ҳозирги пайтда «Манзиллар» деб аталган трилогия устида иш олиб боряпман. У қорақалпоқ халқининг инқилобий онги уйғониши, Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари ҳақида ҳикоя қилади. Бундан ташқари тарихий мавзуда бир қанча пьесалар ёздим. Янги шеър ва қўшиқлар ҳам ёзилмоқда.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР БАЙРАМИ—

РЕСПУБЛИКА КЕЧА ВА БУГУН

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

△ Қорақалпоғистон АССРда 1924 йилга таққослаганда барча қишлоқ хўжалик экин майдони 3,5 мартадан знёдга кўпайди. Шу даврда пахта ҳосилдорлиги олти марта ошди, умумий ҳосил эса 60 марта кўпайди.

△ Олтмиш йилда маҳсулот ишлаб чиқариш 150 мартадан ортиқ кўпайди.

△ Октябрь социалистик революциясига қадар Қорақалпоғистон территориясида фақат битта тўла қувватга эга бўлмаган дизель ишлар эди. Ҳозир республиканинг энергетика қуввати 360 минг киловаттдан ортиқ бўлиб, йилига 1 миллиард киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси ҳосил қилинмоқда.

△ Революцияга қадар Қорақалпоғистонда ҳаммаси бўлиб 185 фабрика-завод ишчиси бор эди. Ҳозир саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарида ўн минглаб киши машғул.

△ 1924 йилда Қорақалпоғистонда бирорта ҳам инженер, агроном, экономист йўқ эди, ҳозир эса 4 мингдан знёд ана шундай мутахассис бор.

△ Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Қорақалпоғистондаги ҳар минг аҳолига икки саводли киши тўғри келарди. Ҳозир автоном республиканинг ҳар уч аҳолисидан бири ўқувчи ёки студентдир. Ҳозир Совет Қорақалпоғистонида 900га яқин умумтаълим мактаби, университет, 30 га яқин техникум ва ҳунар-техника билим юрти бор.

△ Нукус Давлат университетининг 10 факультетида 19 ихтисослик бўйича миллий кадрлар тайёрланмоқда. Энг янги ускуналар ва мосламалар билан жиҳозланган 39 кафедра, ўнлаб лабораториялар ўқув ва илмий-текшириш ишларини амалга оширмоқда.

△ Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали ва автоном республиканинг бошқа илмий муассасаларида 700 дан знёд илмий ходим меҳнат қиляпти. 10 минг аҳолига 200 студент тўғри келади.

△ «Қорақалпоғистон» нашриёти — Ўзбекистондаги энг йирик нашриётлардан биридир. Ҳар йили у 300 га яқин номда китоб, ўқув қўлланмаси ва брошюра чиқармоқда. Китобларнинг умумий тиражи 2 миллион нусхадан знёддир.

△ Бундан юз йилча аввал ҳозирги Қорақалпоғистоннинг пойтахти — Нукус 200 киши истиқомат қиладиган чўл ўртасидаги ташландиқ овул эди. Ҳозир шаҳар аҳолиси 150 мингга етай деб қолди.

△ Октябрь социалистик революциясига қадар Қорақалпоғистон территориясида 20 ўринли битта касалхона бор эди. Бунда бир врач ва уч фельдшер ишлар эди. Ҳозир автоном республиканинг ҳар ўн минг аҳолисига 117,2 касалхона ўрни, 28,3 врач ва 93 ўрта медицина ходими тўғри келади.

△ Қорақалпоғистон халқ хўжалигида минглаб хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Улар давлатни бошқаришда актив иштирок этмоқдалар. Улардан 3,5 минги СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатларидир.

Алифбедан фан чўққиларига қадар

С. КАМОЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоқ филиали Президиумининг раиси.

Қорақалпоқ халқи, шу жумладан, автоном республиканинг олимлари ҳам яқинлашиб келаётган шонли санани — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини янги меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Чунки қорақалпоқ халқи совет давлати ташкил этилганлиги, совет халқларининг қардошларча дўстлиги, барча миллат ва элатларнинг тенглиги ва эркинлигига асосланган ленинча миллий сиёсатнинг ҳаётга тадбиқ этилиши туфайли мисли кўрилмаган иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиётга эришди. Қорақалпоқ автоном республикаси фан соҳасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ҳар минг қорақалпоқдан фақат иккитасигина ўқиш ва ёзишни билар эди. Бутун Қорақалпоғистон территориясида фақат тўртта мактаб бўлиб, унда 200 ўқувчи билим оларди.

Бугунги кунда умумий таълим мактабларида 250 минг ўқувчи таълим олмоқда. Ўрта махсус ўқув юртларида эса 20 мингга яқин ўқувчи бор.

Маданият, маориф қорақалпоқлар ҳаётидан кенг ўрин олди. Ҳозир бизда беш юзга яқин кутубхона, 270 дан ортиқ клуб муассасалари бор. Иккита давлат музейи —тарихий-ўлкашунослик ва Қорақалпоғистон АССР санъати музейи ишлаб турибди.

Бу қувончли ўзгаришлар Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан рўй бера бошлади. Халқ ҳукумати саводсизлик учун курашга маблағни аямади. Республикада бирин-кетин мактаблар, техникумлар ўз эшикларини очди. Россия шаҳарларидан Қорақалпоғистонга мактаб жиҳозлари, китоб-дафтарлар, кўргазмали қуроллар келиб турди. Юзлаб қорақалпоқ йигит ва қизлари Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидаги олий ва ўрта ўқув юртларига таълим олишга юборилди.

1925 йилда халқ тарихида биринчи марта қорақалпоқ тилидаги биринчи алифбе ишлаб чиқилди.

Орадан 60 йилга яқин вақт ўтди. Эндиликда Қорақалпоғистонда Давлат университети ишлаб турибди. Унда 39 кафедра, ўнлаб лабораториялар фаолият олиб боряпти. Университет ўқитувчилари орасидан фақат шу йилнинг ўзида юзга яқин киши фан кандидатлари илмий даражасини олиш учун ҳимояга тайёрланмоқда. 20 киши эса докторлик диссертациялари устида иш олиб боряпти.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоқ филиалида муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Нисбатан қисқа вақт ичида бу ерда фаннинг турли соҳаларига оид юздан ортиқ илмий иш ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди ёки нашрга тавсия қилинди. Бизда 20 га яқин фан доктори ва 350 дан ортиқ фан кандидатлари меҳнат қилмоқда.

Республикада Довқораев номидаги тарих, тил ва адабиёт институти, Ш. Мусаев номидаги Қорақалпоқ деҳқончилик институти, ботаника боғига эга бўлган табиий фанлар комплекс институти, энг янги электрон машиналар билан жиҳозланган йирик ҳисоблаш маркази ва бошқа кўплаб илмий муассасалар фаолият олиб бормоқда.

Республика телевидение ва радиоси қорақалпоқ, ўзбек, рус ва туркман тилларида кўрсатув ҳамда эшиттиришлар олиб боради. Тошкент, Ашхобод кўрсатувларини намойиш этиб туради.

Инқилобгача аҳолиси деярли тамомида саводсиз бўлган ўлкада эндиликда 20 дан ортиқ газета ва журнал нашр этилмоқда. «Қорақалпоғистон» нашриёти эса Ўзбекистондаги энг йирик матбаачилик муассасаларидан биридир.

Маориф, зиё сари йўлини 1925 йилда нашр этилган алифбедан бошлаган Қорақалпоғистонимиз Совет ҳокимияти йилларида ана шундай юксак чўққиларни забт этди.

2. ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИ ҚЎШИҒИ

△ Тамара Дошумова — халқ қўшиқлари ва замонавий оҳангларнинг таниқли ижрочисидир.

△ Бу сурат — Тошкент ва Нукус санъат усталарининг дўстлиги рамзидир. СССР халқ артистлари Ойимхон Шомуротова ва Тамарахоним.

△ Қадимий кўчанинг янги қиёфаси.

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ТАНИШТИРАМИЗ

ПАРВОЗ

Қорақалпоқ рақс санъати манбаларини, бошқа халқларда ҳам бўлганидек, ўйинлардан, маросимлардан излаш керак. «Айкулаш», «Ҳакка қайда», «Ангалак» ва бошқа оммавий ўйинлар халқ оғзаки поэтик ижодида аниқ тасвирлаб берилган. «Қирққиз», «Алпомиш», «Шарьяр» каби эпик жанрнинг ўлмас намуналарида қорақалпоқларнинг маданияти, одатлари, маросимлари ҳақида бой маълумотлар келтирилади.

Аммо санъатнинг бошқа жанрлари сингари рақс санъати ҳам Қорақалпоғистонда Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин шакилланди. 20-йилларда биринчи бадиий ҳаваскорлик коллективлари, қорақалпоқ миллий театрининг ташкил этилиши билан хореография санъатининг дастлабки куртаклари юзага келди.

Рақс номерлари барча концерт программаларида ва музикали спектаклларнинг ажралмас қисмига айланди. Аммо қорақалпоқ хореографияси мустақил санъат тури сифатида 40-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, Бердах номидаги қорақалпоқ давлат филармонияси ташкил этилганидан сўнг тез суръатлар билан ривожлана бошлади.

Ана шу нисбатан қисқа вақт мобайнида республикада ажойиб раққослар ва балет артистлари етишиб чиқди. Уларнинг ижрочилик маҳорати Қорақалпоғистон хореография санъатини тараққиётнинг янги босқичига кўтарди. Бу санъаткорлар орасида машҳур рақс устаси Байрамгелди Муродовнинг номини келтириш мумкин. Унинг ижоди Қорақалпоғистон хореография санъати эришган улкан ютуқларнинг ёрқин намунасидир.

Байрамгелдининг рақс сари йўли жуда узоқ бўлган. У 1939 йилда Туркманистон АССР Ашхобод областининг Ашхобод районидаги «1 Май» колхозида туғилган. Ўз қадрдон колхозида тўлиқсиз ўрта мактабни тугатгандан сўнг, 1953—1957 йилларда Ашхободдаги автомобиль-йўл техникумида таълим олди. Худди ана шу йилларда унинг рақс санъатига мойиллиги намоён бўлди. У бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида актив иштирок эта бошлади. Оммавий, жуфт ва алоҳида рақсларда ўз маҳоратини намойиш этиб, турли хил республика кўриклари, конкурслари ва фестивалларида бир неча бор мукофотли ўринларни эгаллади.

Байрамгелдини санъатнинг сеҳрли жозибаси мафтун этган эди. Ҳаваскорлик коллективларидаги муваффақиятлар, уларда олинган мукофотлар ёш раққосни катта санъат сари илҳомлантирди. Байрамгелди Муродов 1957 йилда А. Н. Островский номидаги Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга киради. Институтни тугатгач, драматик театр ва кино актёри ихтисослигини олади.

Аммо у рақс санъати билан астойдил шуғулланишни тарк этмади. Тажрибали педагоглар, хореография бўйича Ўзбекистоннинг етакчи мутахассислари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти И. М. Проценко, Т. Г. Литвинова қобилиятли студентга эътибор беришди. Унга халқ рақслари ва хореография санъати сирасрорларини ўргатдилар.

1962 йилда Б. Муродов Тошкентдаги М. Горький номли рус академик драма театрида ишлай бошлади. 1963 йилдан эса «Айкулаш» Қорақалпоқ давлат ашула ва рақс ансамблининг солисти бўлди.

«Айкулаш» ансамбли 1956 йилда Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисткаси Лизахоним Петросова раҳбарлигида ташкил этилган. Ансамбль репертуарида анъанавий халқ ўйинлари асосида яратилган рақслар кенг ўрин эгаллайди. «Қорақалпоқ тўй рақси», «Айкулаш», «Балиқчилар», «Чўпонлар», «Кигиз тўқиш», «Амударё» ва бошқа оммавий рақслар бунга мисол бўла олади. Бу хореографик картиналарда балетмейстер қорақалпоқ халқининг бахтли ҳаётини, унинг меҳнатсеварлигини ёрқин акс эттирган.

Байрамгелди Муродов Қорақалпоғистонга келгач, ансамблининг жўшқин ҳаётига шўнғиб кетди. Ўз устида тинимсиз ишлади, машқ қилди. Натижада барча эркак рақс номерларида муваффақият билан иштирок этди.

«Орол йигитлари», «Чавандозлар», «Молдаван сюитаси», «Венгерча рақс», «Париж машъали», «Туркманча рақс» каби ўйинларда унинг жўшқин ҳаракатлари, юксак маҳорати томошабинларга завқ-шавқ бахш этади.

Б. Муродов 1971 йилда СССР Академик халқ рақс ансамблида стажировкада бўлди. Ўзининг катта истеъдоди, астойдил меҳнати, санъатга борлиғини бахшида этганлиги билан томошабинлар ҳамда мутахассисларнинг муҳаббати ва эътиборини қозонди.

Байрамгелди Муродов «Айкулаш» ансамбли билан бирга мамлакатимизнинг жуда кўплаб шаҳарларида гастролда бўлди. Ажойиб раққоснинг ижрочилик маҳоратига мамлакатимизнинг юздан ортиқ шаҳарларининг томошабинлари қарсак чалишган.

Автоном республика хореография санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Б. Муродов Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати фахрли унвонларига сазовор бўлган.

А. ЖУЗИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ҲАЁТБАХШ САНЪАТ

Нукусдаги бирор кишининг замонавий уйига ёки ўтов, чойхона, клуб, маҳаллий музейга кириб қолсангиз, албатта Қорақалпоғистон аҳолисининг санъатга бўлган муҳаббатини, ўз атрофида халқ ҳунармандларининг асарларини кўришга иштиёқини дарҳол пайқайсиз. Хўжайлилик моҳир ҳунарманд аёллар тўқиган гиламлар ўзининг бадиий фазилатлари жиҳатидан машҳур туркман гиламчиларининг асарларидан қолишмайди. Гиламлар, кигизларнинг нақшларида, рангларининг ёрқинлигида халқнинг гўзаллик ҳақидаги тасаввурлари, уни ўраб олган оламнинг чиройи ўз аксини топган.

Халқ ҳамиша гўзалликни қадрлайди. Ҳунармандлар узоқ тунлар давомида ёғоч ва металлга беҳисоб нақшлар туширганлар. Ўтов учун ўймакор эшиклар ва гўзал сандиқлар, заргарлик буюмлари ва аёлларнинг кийимлари учун безаклар худди ана шундай дунёга келган.

Бугуни кунда Қорақалпоғистон ўзининг ажойиб мўйқалам усталари, графиклари, ҳайкалтарошлари ва халқ амалий санъати усталари билан ҳақли суратда фахрланса арзийди. Уларнинг кўпчилиги, айниқса ёшлар, Тошкентдаги П. П. Беньков номли республика рассомлик билим юртида ва А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таълим олган.

Жўлдасбек Қуттимуротовнинг ижодий йўли Қорақалпоғистон рассомлари босиб ўтган ўқиш-ўрганиш ва изланиш йўлларини кўрсатувчи ёрқин мисолдир.

Жўлдасбек 1943 йилда Қорақалпоғистон АССРнинг Кегайли районида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, флотда хизмат қилди, партия сафига кирди.

Унинг биринчи расмлари мактаб деворий газетасида эълон қилинган эди. Шундан кейин у қорақалпоқ рассомларининг республика кўргазмасида иштирок этишга муяссар бўлди. Унда ўсмирнинг асарлари иккинчи ўринни эгаллади. Шундан кейин П. Беньков номидаги рассомлик билим юртини ва А. Н. Островский номидаги театр ва рассомлик санъати институтини тамомлади. Хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердах номидаги давлат мукофоти лауреати Жўлдасбек Қуттимуротов санъатга ана шундай қадам қўйган.

Жўлдасбек ўз ижодий йўлини бўёқли асарлар яратишдан бошлаган эди. Сўнгра монументал-безак санъат билан шуғулланди. Шу соҳада диплом ҳимоя қилди. Аммо 1966 йилда Қуттимуротов Тошкентдаги ёшлар кўргазмасида ҳайкалтарош сифатида иштирок этиб, унда ўзига хос ижро услубига эга бўлган, жозибали қорақалпоқ қиз ҳайкалини намойиш қилди.

Ўшандан буён у ҳайкалтарошлик билан шуғулланади. Унинг ижоди республикада профессионал ҳайкалтарошликни бошлаб берди. Ўзи эса бугуни кунда автоном республиканинг етакчи ҳайкалтарошидир.

Санъаткорнинг ўнлаб асарлари ўзига хослиги, нафосати билан киши диққатини жалб этади. Уларда халқ санъати анъаналаридан маҳорат билан фойдаланилган. «Миллий кийимдаги қиз», «Арслон», «Шабада», «Дўмбира чалаётган қиз портрети» сингари ёғоч ҳайкалар фикримиз далилидир.

...Миллий тўй кийимидаги сарқомат қиз. У кўксига халқ ҳунармандларининг тақинчоқларини осиб олган. Ҳайкалтарош этнографик аниқликка интилгани бежиз эмас. Қорақалпоғистонда аёлларнинг тўй кийимини тайёрлаш анъаналари ҳамон яшаб келади. Ҳайкал жигарранг ўрик дарахтидан ясалган.

Рассом ўзининг барча асарларида замондошимизнинг ажойиб образини яратишга интилади. Уч дўмбирачи — Дина, Сора ва Ойша портрети ҳам бунга мисол бўла олади. Портретларда музикачиларнинг ўзига хос белгилари, гўзаллиги, характери нозик тасвирланган.

Ҳайкалтарош яратган образлар кишига лирик кайфият бахш этади. У яратган асарларнинг кўпчилигини портретлар ташкил этади. Бу асарларда санъаткор қаҳрамонининг фақат ташқи ўхшашлигига интилиб қолмай, унинг характери хусусиятларини ҳам ойдинлаштиришга ҳаракат қилади.

Ёғоч ўймакорлигининг бой анъаналари Жўлдасбек ижодида муваффақиятли ривожлантирилмоқда. Санъаткор асарлари шу сабабли бугунги кунда кўплаб мухлисларга эга.

О. АПУХТИН.
СУРАТЛАРДА: Ж. Қуттимуротов яратган асарлар.
Автор фотоси.



«БРИГАНТИНА» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Шу йил мартида таниқли болалар шоири Холмурот Сапаровга Украинанинг Артёмовск районидаги 7-ўрта мактабда фаолият олиб бораётган «Бригантина» номли адабий клуб қатнашчиларидан мактуб келди. Болалар ёзувчини ҳамкорликка чорладилар, ундан ўз китобларини, фотосуратини юборишни сўрадилар. Болаларни қўёшли Қорақалпоғистон ҳақидаги ҳамма нарса қизиқтирарди. Холмурот Сапаров болаларнинг бу таклифини хушнудлик билан қабул қилди. Ўшандан буён улар ўртасида қалин, дўстона алоқалар вужудга келди. Ёзувчи имконияти борича болаларнинг барча илтимосларини бажаришга интилади. Қорақалпоғистон ҳақидаги китобларни, ёдгорлик буюмларини, нишонлар, фотосуратлар, открткалар юборади, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида эришилган ютуқлар тўғрисида, илмий ва маданий ҳаётнинг янгиликлари, автоном ўлканинг ажойиб кишилари ҳақида ҳикоя қилади.

Ҳозирги пайтда «Бригантина» клуби СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган конференция ва фестивалга ҳозирлик кўрмоқда. Болалар ўзларининг самимий дўстлари, «Бригантина» клубининг фахрий аъзоси ёзувчи Холмурот Сапаровни ўз шаҳарларига келишга, ана шу тантаналарда иштирок этишга таклиф қилмоқдалар.



• *Менинг республикам, менинг шаҳрим*

НУРАФШОН ЎЛКА

Бугун биз газетхонларни Қорақалпоғистон Автоном Республикаси билан таништиришни давом эттирамиз. Навбатдаги сўз — халқ депутатлари Тахиатош шаҳар Советининг депутати Бибигул Холмуродовага.

— Қорақалпоқ хотин-қизлари ўртасида кўплаб врачлар, ўқитувчилар, инженерлар, санъат ва адабиёт арбоблари бор. Мен эса инженер-энергетик касбини танлаганман.

Тахиатошда — республикамизнинг энг катта Тахиатош ГРЭСи ишлаб турган жойда — менинг касбим жуда керакли касб. Тахиатош бутун Қорақалпоғистонни ва автоном республикага туташ Ўзбекистон ва Туркманистоннинг областларини энергия билан таъминлайди.

Бугуни Тахиатош йирик энергетика комплексигина эмас, кўркам замонавий шаҳар ҳамдир. Шаҳар қурилиши комплекс равишда олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда мактаб, поликлиника, болалар боғчалари, маданият уйлари жуда кўп. Ана шундай маданият уйларидан бирида мен ўзимнинг бўш вақтимни ўтказаман. Тошкент политехника институтида ўқиб юрган вақтимдаёқ мен қўшиқ айтишни яхши кўрар эдим. Ҳозир Маданият уйимиз ҳузурида хор коллективи ташкил этилган. Ушбу коллектив СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишлаб янги концерт программасини тайёрламоқда.

Ишдан сўнг уйга қайтаётганимда мен меҳнат қилаётган Тахиатош ГРЭСи ёқкан минглаб чироқлар йўлимни нурафшон қилади. Мен одамларга нур ва иссиқлик, республиканинг турли бурчакларида ишлаётган юзлаб машиналарга энергия бағишлаётган кишилар билан ишлаётганлигимдан бахтиёрман.

Жонажон шаҳрим кун сайин чирой очмоқда. Яқин орада бу ерда яна иккита объект фойдаланишга топширилади.

СУРАТДА: Тахиатош ГРЭСи залларидан бирида.
А. Жданов фотоси.

ҚАРДОШ МАДАНИЯТЛАР БАЙРАМИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АДАБИЁТИНИНГ ВАКИЛЛАРИ—РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНИ

СУҲБАТ МАВЗУИ: ИЖОД ВА ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ

Аввало уларни таништириб ўтайлик. Толибой Қобулов қорақалпоғистонлик машҳур шоир, 1939 йилнинг 9 майида туғилган. «Қора бўқа», «Ошиғингман», «Дийдор» шеърлар тўпламининг автори. Ҳозир Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи правлениесининг масъул секретари.

Гулайша Есемуротова— прозаик. У жуда кўп ҳикоя ва повестларнинг автори. Асарларининг мазмунини замонавийлик, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти ташкил этади. Шунингдек Г. Есемуротова тржимонлик соҳасида ҳам анча машҳур.

Биринчи бўлиб сўзни Толибой Қобулов олди.

Толибой Қобулов: Жуда кўп жойларга боришга тўғри келган, лекин Тошкентдан чиройли шаҳарни сира учратган эмасман. Қорақалпоғистонлик ҳар бир ёзувчи сингари у менинг ижодий тақдиримда ҳам муҳим роль ўйнаган ва ўйнайди. Дўстлик шаҳри, меҳнаткаш Тошкент темаси Қорақалпоғистонлик сўз санъати усталарининг ижодида етакчи роль ўйнайди. Биз ҳамиша Тошкентдан ўзимизга керак бўлган ёрдамни олиб турамиз. Бу ерда ўзимизни худди ўз уйимиздагидек ҳис этамиз, самимий, хушчақчақ дўстларимизнинг даврасида бўламиз.

Ўйлайманки суҳбат давомида яна сўз олсам керак. Ҳозир навбатни Гулайша Есемуротовага берсак.

Фақат у аёл киши бўлганлиги учунгина эмас, етакчи прозаик бўлганлиги учун шундай қилсак. Унинг адабиётга кириб келиши Қорақалпоғистон ёзувчилари янги авлодининг йўлига ўхшашдир.

Гулайша Есемуротова: — Адабиёт билан жиддий шуғулланмоқчи бўлганларга барча шароит яратилган.

Мен Нукусда эмас, Қорақалпоғистонни н г Чимбой районида туғилганман. Аммо Нукус педагогика институти сингари пойтахтдаги барча ўқув юртларининг эшиклари билим олишга чин маънода киришганлар учун ҳамиша очиқ.

Педагогика институтида ўқиётганимдаёқ дастлабки асарларимни «Жас ленинши» ёшлар газетасида эълон қилдим.

Толибой Қобулов: — Айтгандек, шу газета менга ҳам оқ йўл берган эди. Гулайша учун эса у журналистликни ўргатди. У институтни битирганидан кейин худди шу газетада ишлай бошлади.

Гулайша Есемуротова: — Журналистика мени адабиётга бошлаб келди, шунингдек мен «Жеткиншек» газетаси ва «Амударё» журналида ҳам ишлаганман.

Мухбиримиз: — Сиз қачондан бошлаб ўз ҳаётингизни ёзувчиликка бахшида этдингиз?

Гулайша Есемуротова: — Ўзингиз билганингиздек, ҳеч ким бир кунда ёзувчи бўлиб қолмайди. Ижодий имкониятларнинг адабий жиҳатдан шаклланиши узоқ давом этади ва анча мураккаб. Журналистика туфайли хилма хил материаллар тўпладим. Жуда кўп кишилар билан учрашишга, ҳаётдаги жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлишга тўғри келди. Шу боисдан ҳам қачон ёзувчиликка ўзимни бағишлаганлигимни аниқ айта олмайман. Эҳтимол бу ўз шеърий тўпламимни биринчи марта қўлимга олганда юз бергандир. Биринчи тўпламим «Кашта» деб номланиб, 1969 йилда нашр этилган.

Мухбиримиз: —Ана шундан кейин ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинган жуда кўп ҳикоя ва повестлар ёзганлигингизни биламиз? Улардан бири «Жийрон» повестидир. Унда одамларгагина эмас, атроф-муҳитга, жонажон ўлкага бўлган муҳаббат ўзига хос услубда куйланган.

Гулайша Есемуротова:— Менинг кейинги асарим ана шундай таҳсинга сазовор бўлганлигини билмайман. Аммо повестни бутун қалбим билан ёзганман. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Унда урушнинг даҳшатли йиллари, болалигимда менга таниш бўлган кишилар, Қорақалпоғистонда г и қишлоқлардан бири аҳолисининг ҳаёти куйланади. Уруш бир умрга бирга бўлишни аҳд қилган икки ёшни бир-биридан жудо қилади. Повестнинг бошқа қаҳрамонларининг ҳиссасига ҳам даҳшатли синовлар тўғри келади. Аммо улар ўзларининг бутун кучқувватларини душманни енгишдек умумий ишга сарф қиладилар.

Бу повестни рус тилига таржима қилиш Тошкентда Қорақалпоғистон Маданияти кунлари очилиши арафасида якунланди. «Тошкент оқшоми» газетаси севимли Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига бағишланган «Тошкент таронаси» конкурсига повестдан парча билан қатнашишни таклиф қилганлиги менга билдирилган катта ишонч ва шарафдир.

Мухбиримиз: — Толибой Қобулов ҳам бу конкурсда иштирок этишига ишонамиз.

Толибой Қобулов:— Янги асарларимнинг таржимасини тошкентлик газетхонларнинг эътиборига ҳавола қилишни ўзим учун билдирилган катта шараф деб биламан.

Мухбиримиз:— Айтгандек, сизнинг ўзингиз ҳам таржима билан актив шуғулланасиз.

Толибой Қобулов:— Ҳа, бу ишни катта иштиёқ ва жавобгарликни ҳис қилган ҳолда бажараман. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Адабиётнинг дурдоналари Гоголнинг «Тарас Бульба», Чеховнинг ҳикоялари, Шевченко, Лермонтовнинг асарлари, шунингдек, Расул Гамзатов, Қайсин Қулиев, А. Барто сингари йирик совет шоирларининг асарларини таржима қилайтганда бундай қилмасдан илож йўқ.

Ўзбек адиблари томонидан яратилган ажойиб асарларни ҳам таржима қилишга тўғри келган. Мен Ҳамид Олимжоннинг «Семург» асарини, Асқад Мухторнинг шеърлар тўпламини ва бошқа асарларни таржима қилганман.

Мухбиримиз:— Адабиётга кириб келиш йўлингиз қандай бўлди.

Толибой Қобулов: — Эҳтимол, у йўл Гулайша Есемуротованинг йўлидек силлиқ эмасдир. Мен Қорақалпоғистон АССРнинг Қораўзак районида туғилганман, болалик йилларимдаёқ қишлоқ ликларнинг ҳаёти ва меҳнатини кўрганман. Еттинчи синфни битирганимдан кейин Нукус қишлоқ хўжалик техникумига кириб, уни 1958 йилда битирдим. Кейинчалик эса Қорақалпоғистон Давлат университетининг тарих факультетини тамомладим. Шундан кейин «Қорақалпоғистон» нашриётида ишлай бошладим, адабиётни, ҳаётни ўргандим. Ўзим ҳам ёза бошладим.

Агар менга ҳам сиз қачон шоир бўлиб шаклландингиз десангиз жавоб бераолмаган бўлардим. Бу воқеа қачон бўлганлигини эслай олмайман.

Мухбиримиз: — Аммо ўқувчилар буни сезишган ва сизнинг асарларингизга етарли баҳо беришмоқда. Янги шеърларингизнинг таржимаси ўқувчиларга маъқул бўлишига ишончимиз комил.

Қадрли меҳмонларимиз, сизларга қизиқарли суҳбатингиз учун катта раҳмат.

Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзида

Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи правлениеси Президиумининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унга правление аъзолари, ёзувчилар, «Амударё» журнали, газета, радио ва телевидение ходимлари ҳамда бошқа ижодий ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилди. Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Тулепберген Қаипбергенов «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида бадиий адабиётни пропаганда қилиш бюросининг вазифалари» тўғрисида нутқ сўзлади. Шунингдек, Қорақалпоғистонда янги ташкил этилган ана шу бюронинг тузилиши ва вазифалари ҳақидаги ахборот ҳам тингланди.

Правление Президиуми Ўзбекистон Ёзувчилар союзи бадиий адабиётни пропаганда қилиш Қорақалпоғистон бюроснинг директори қилиб ёзувчи Жубатхан Муротбоевни сайлади. Янги ташкилотнинг 1983 йилги иш плани муҳокама қилинди ва маъқулланди.

* * *

Йиғилишда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Жўлмирза Оймирзаев, «Амударё» журнали бош редактори, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тожиддин Сейтжонов, «Қорақалпоғистон» нашриёти бадиий ва болалар адабиёти редакцияси мудири, филология фанлари кандидати Одилбой Кожикбоев, Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи проза Советининг раиси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Исмоил Қурбонбоев, Педагогика фанлари институти директори адабиётшунос ва ёзувчи Аденбой Тожимуротов, Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи консультанти Ш. Сеитов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Улар Қорақалпоғистон ёзувчилари бундан кейин ҳам партия қарорларининг актив тарғиботчилари бўлиши, бутун куч, билим, истеъдод ва тажрибаларини халққа бахшида этишлари, янги бадиий юксак асарлар яратишлари ҳақида гапирдилар.

* * *

Пахта йиғим-терими ва шоли ўрими бошланган дастлабки кунлардаёқ Қорақалпоғистон ёзувчи ва шоирларини қизғин меҳнат бораётган далаларда учратиш мумкин эди.

— Мен икки ҳафта мобайнида қўриқ Элликқалъа районида бўлдим, — деб ҳикоя қилади Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ ёзувчиси Жўлмирза Оймирзаев. — Мен пахта пайкалларида, дала шийпонларида деҳқонлар билан учрашдим, улар қандай юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдим. Йил оғир келди, аммо айтиш мумкинки, район деҳқонлари ўз ҳароратлари билан, кафтларининг тафти билан ажойиб ҳосил етиштирдилар. Давлатга пахта сотиш планини муваффақиятли бажардилар. Мен «Совет Қорақалпоғистони» газетаси саҳифаларида районнинг машҳур пахтакорлари ҳақида очерк эълон қилдим. Ҳозирги пайтда эса қўриқ район пахта далаларининг усталари ҳақидаги шеърий турқумимни тугаллаяпман.

Бошқа мисоллар ҳам кўп. Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзининг йўлланмаси билан адабиётчи Бозоргул Бекниёзова «Қораўзак» шоличилик совхозида бўлди. Бу ерда у қишлоқ хўжалиги учун ана шу оғир йилда ажойиб гуруч ҳосили етиштирган машҳур шоликор, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати Омонгул Хўжалепесова бригадаси билан танишди.

Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ.

КЎЗ ҚОРАЧИҒИ

РОМАНДАН ПАРЧА

Қора рангнинг қоралигини кўрсатадиган оқ ранг бўлганидек, яхши одам ёмоннинг тарозиси, ёмон одам яхшининг тарозиси.

Шарифа бировга баҳо бермоқчи бўлса, отаси ёшлигида айтган мана шу ҳикматли гапга суяниб, шундай иккита одамни кўз олдига келтирарди.

Одам боласининг ҳаётидаги хатоликнинг кўп қисми ёшлик чоғига тўғри келади. Энг оғир хатолик муҳаббат билан боғлиқ. Буни Шарифа китоблардан кўпроқ билади. Ногоҳ янглишмаслик учун у йигирма саккиз ёшигача ўзининг биринчи муҳаббатига атаб бутун туйғуларини жиловлаб, талай қийинчиликларга дуч келганди.

Мана энди оқибати... Ўзи қўнғироқ қилиб, шофери орқали хат юборди, шундай қилмаса, уни севган юраги торс ёриладигандай...

У эрталабдан буён ошхона деразаси олдида ўйга чўмиб ўтирибди.

«Ҳар бир уйнинг деразаси ўзича бир телевизорнинг экрани. Дунёнинг ярмиси кўз олдидан ўтиб тургандай. Ҳамма ҳам ўзи билан ўзи овора. Кўнгилдаги режасини амалга ошириш учун ошиқади. Ташқаридан ким кузатиб, ким қизғанч назар билан қараб турганини сезмайди... Ёмонлик қилади деган шубҳалари ҳам йўқ. Одамлар ана шу хусусияти билан жуда яхши-да. Аммо бу ёруғ дунёда, ўзи яшаб турган жамиятда фақат поклик, адолат ҳукм суришини хоҳлайди. Бу энг олий тилак. Покликни, одилликни ўзгадан талаб қилишдан олдин ҳар ким уни ўзидан излаб кўрадими? Бу ёруғ дунёда ўзидан поклик, одиллик изламайдиган бир одам пайдо бўлса, оламни ёритувчи битта чироқ, яъни бир „кўзнинг қорачиғи сўнгани. Олам қороғи тортади, оғирлашади... Ноҳақларнинг овози аччиқ эшитилади, ҳамманинг остида қолгандек чинқириб эшитилади...»

Сўнгги пайтда бир оз озиб, тажанг бўлиб кетган қари отаси эшикдан кира солиб, нолиди.

— Вой, қизим, аъзойи баданим қақшаб кетяпти!

Шарифа дераза форточкасини ёпаётган эди, ташқарида, қайиқ устида набиралари билан ўтириб қолган қўшни қария чақирди:

— Шарифа қизим, Нуржонга қалампир қўшилган чой бергин!

— Яхши, ота, — деди Шарифа деразадан қараб:

— Қизим-ов, — деди яна қария.— Сени ҳамма катта олим дейди. Амунинг сувини кўпайтиришга нега илож топмайсан? Ночорлигинг учун бўлса керак-а? Иккита симни туташтириб нур ёқиб қўйган ҳукумат, осмондаги ойнинг устига трактор чиқариб, ҳайдаган ҳукумат Орол нинг қуришини нега тўхтатмаяпти? Мен олим бўлмасам ҳам, табиатнинг бундай инжиқлигини тушунаман. Орол кичрайса, ён томонида ёнғин кўпаяди.

Газ плитага суяниб турган қария чидамай деразадан пастга қаради.

— Бугунгина бир мақола ўқидим, — деди қўшни қария унинг белкуракдай соқолини кўриб, Шимоли ғарбдан, Ўрта денгиз томондан оқиб келган булут Оролнинг устига етганда яна тўлишиб юқори кўтарилади. Оролнинг буғи катталашади. Шундай қилиб, булут яна олисроққа кетади. Орол кичрайса, булут тўла кўтарилмай, ярмиси яқин ўртага ёғин бўлиб ёғиладди. Кўп ёғин экинга зарар!

Қариянинг далиллари ростга чиқадигандай туюлиб:

— Янгилигингиз учун раҳмат, ота!—деди Шарифа.

—Помир тоғининг тепасида Сарез деган чуқур кўл бормиш. Ўшани бу ёққа оқизса, Амударё тўлиб оқармиш, Орол қайтадан тўлармиш. Шу ростми, қизим?

— Сарез кўли тадқиқ этилди,— деди Шарифа. Амударёни фақат бир йил тўлдириб оқизишга етадиган сув запаси бор.

—Аму тўлиб, айқириб оққанини кўрсам, ийримига бир шўнғиб олишга рози эдим.

Шарифа деразани беркитиб, ўйланиб қолди.

— Ўйланса, қизим,— деди Нуржон қария, — Кексалар ҳар бир гапни унча-мунча гапиравермайди. Сенинг тилинг билан айтганда, табиатнинг ўз нарсаси ўзига қайтса олам гулистон. Тириклар ўликларнинг ёдгорлиги. Одамзод бино бўлгандан буёнги даврни ўйлаб қарасак, ўликлар кўплигини кўрамиз. Уларга эсдаликлар оз.

Қабристонларни кўпайтира бермай, ўликни куйдириш керак ёки балиқларга ем учун денгизга ташлаш керак. Оролда балиқ қирилганини кўргандан, уларга ем бўлишини афзал кўрмайдиган қария йўқ бу ўлкада. Асрлар оша боболарнинг Оролдан бўлган қарзини ҳеч бўлмаганда бир авлоди тўлаши керак-ку.

Шарифа отасининг жуда қаттиқ ва шафқатсиз ўйларга нима учун бунчалик кўнгил беришини ўйлаб кетди. Бу орада Нуржон қария давом этди:

—Бу дунёда одамзод пайдо бўлишининг ҳам қайғули, ҳам қувончли томонлари бор!

Улар баъзи кечаларда она-болага ўхшаб бирбирини суяб, эркалаб гаплашишарди-ю, бунақа мавзуда гап қўзғашмасди. Отасининг гапи ноқулай туйилсада, қиз индамай қололмади.

— Менинг тушунишимча, бу дунёда янги одам пайдо бўлиши фақат қувончли ҳол, ҳар бир инсон ўз янгилиги билан келади.

— Қайғули томони, қизим, дунёда сув сўрайдиган яна битта сувхўр пайдо бўлади.

— Ҳар ким ўз насибасини ўзи топади, —деди Шарифа. Нуржон қария диванга чиқиб ўтирдида, хўрсинди.

— Минг ёмон бўлса ҳам Эржон билан туғишганман. Давлатов унинг амалини тортиб олгани билан чеклнмай, ишдан бутунлай ҳайдаб юборганмиш.

Шарифа унинг бўшатилиши яхши бўлганлигини тасдиқловчи далиллар келтирмоқчи эди, отасининг раъйига қаради, унинг қовоғи тушиб, мунғайиб ўтирарди, бу ҳолатини кўриб, унга қўшилишиб амакисига ачинишга мажбур бўлди.

— Эржон бари бир ўша Давлатовни аярди, — деди қария яна.

— Нима учун?

— Уни шофери ҳам ёмон кўрармиш. Бу кетишда шофери Давлатовни авария қилиши мумкин, деган гапни айтди ўтган сафари.

Шарифа бир хил бўлиб кетди, аъзойи бадани титраб, кечаги ҳодисаларни эслади-ю, кўнглида унга нисбатан шубҳа пайдо бўлди. Демак, Яхшилиқ одам таниё олмайди, тошюрак. Шофери хафа бўладиган хиёнат иш қилган. Одамларга тушуниб бўлмайди. Бир муддат муҳаббат юзасидан сирлашдик, бир фурсатда айниди. Бевафо. У индамай хонасига кирди-да, каравотига юзтубан тушиб ётди. Йиғлади, унсиз йиғлади, негадир кўзларидан ёш чиқмади. Бир фурсат шундай ётгач ўрнидан турди. Ишга бориш керак. Трюмонинг олдида сочларини тараб, қайта ўради, қовоқлари шишганини кўриб қолди. Бу аҳволда одамларга кўриниш уят. Биров бир нима демаса ҳам, ўзига эҳтиёт бўлиб юриши керак. Бундай кайфиятга рост гапдан бўлак қандай жавоб бўлиши лозим. Маника, ҳақиқатни айтиш ҳам қийин. Бугундан бошлаб у ёлғонларга суянмаса, сири ошкора бўлади. Ана, ҳаётда қороғининг ҳам кераги бор бўлганидай, ёлғон ҳам гоҳида жонингга ора кириши мумкин. Отасиз бола туғиш қайси аёл учун яхши? Бошқалар қаторида бу ёруғ оламда ҳаёт кечириши лозим бўлган тирик жонни олдириб ташлаши ҳам увол!

У ёзув столида ётган оқ қоғозларни кўриб, бошига келган хаёлларини, пушаймонларини Яхшилиққа ҳозир ёзиб юбориш ниятида қўлига қалам олиши билан танаси титраб кетди. Калласига ё битта сўз келди, ўйлар тўлқини тошиб, ё қайси бирини ёзишни билди. Лаблари пичирлаб узоқ ўтирди. Одам туғилиши керак! Унга тўсқинлик қилиш бу дунёга зарар берувчи бир ҳашоратга айланишдир...

Телефон қаттиқ жиринглаб кетди.

«Яхшилиқ бўлса керак. Эҳтимол, шошқолоқлик қилганини бўйнига олиб, кечирим сўраш учун излаётгандир. Севгилисини икки ўт ўртасида ёлғиз қолдириш кимга ҳам яхши?! Ўтни ўчириш йўлини биргалашиб излаш осонроқ. Чунки икки томон ҳам гугурт чаққан...»

Шарифа телефонни кўтармоқчи эмасди, иш жойидан бўлса айб бўлади, деган хаёлга бориб эҳтиёткорлик билан трубкани аста қулоғига босди-да, беморга ўхшаб, товушини жуда нозик чўзиб, овоз берди.

— Аа-ло-оо!

— Шарифа Шержоновамисан? —деди аёл кишининг овози.

Қизнинг ранги ўзгариб, қўлидан трубка тушиб кетаёзди.

— Мен Давлатовнинг хотини Светланаман. Тўсатдан қўнғироқ қилиб, ноқулай темада гаплашмоқчи бўлганим учун кечир.

— Ҳечқиси йўқ, гапингизни айтаберинг.

— Ҳар бир аёл ёниб турган битта сайёра, синглим. Буни тушунмайдиган тўқимтабиатлар бизнинг районда ҳам пайдо бўлиб келяпти, деган гапни эшитганман. Мен сени уларнинг қаторига қўшиш фикридан узоқман. Шундай бўлса ҳам эшитган қулоқда айб йўқ. Ичакларимга қўр ёпишди, синглим. Менинг эримнинг бошини айлантирма!

Қизиб турган темир сувга ташлангани сингари Шарифанинг вужудидан ўт югуриб, бирдан шамдай серрайиб қолди.

— Ҳеч кимнинг гапига ишонмас эдим. Эржон Шержоновнинг хотини Фарида бугун учинчи бор мана шу гапни телефондан айтди..

Светлана жавоб кутмай трубкани қўйиб қўйди.

Шарифа уйнинг ўртасида тик турганича лол бўлиб анграйганича қолди.

Матен САЙТНИЕЗОВ

ОНА ЕРГА

О, она ер! О, ажойиб гул днёр!
Бағишладинг менга оташ юрагинг.
Сен борсанки, мен ҳамиша бахтиёр,
Не истайсан? Айтгил менга тилагинг.

Муздек совуқ тош бўлганим яхшидир,
Ўтмишингни қулоғимда тутмасам.
Кўздан томган ёш бўлганим яхшидир,
Эл меҳрини қучоғимда тутмасам.

Изсиз кетган ўқ бўлганим яхшидир,
Сен кўзлаган ерга бориб тегмасам.
Ўқ эмас, ҳей, йўқ бўлганим яхшидир,
Фармонингга бошгинамни эгмасам.

Қандай қилиб юзларингга қарарман,
Ота-она қадрини мен билмасам.
Қандай қилиб туққан боланг бўларман,
Иззатингни дилдан бажо қилмасам.

Бир нарсага сен қайғурсанг, қайғуриб,
Ким бўлдим мен сен куйганда куймасам?
Не бўлганим кам-кўстингни тўлдириб,
Сенинг иссиқ-совуғингга кўнмасам?

Дилдан яйраб қувонмасам боладай,
Сен қувончга тўлиб-тошсанг ҳар қачон?
Номус қилиб, қизармасам боладай,
Сенга хизмат қилолмаса қай инсон?

Бир чақалик пуч бўлганим яхшидир,
Беролмасам сенга дилда борини.
Минг балога дуч бўлганим яхшидир,
Кўрсам сенинг фиғонингни, зорингни.

* * *

Замонангга керак деб бил ўзингни,
Шу ақида бўлсин умринг мазмуни.
Номард эмас, эркак деб бил ўзингни,
Бўлгил олий ниятларнинг мафтуни.

Кўз тикмайдн ҳеч бир кимса озига,
Одам доим юксакликка интилар.
Юксаклик бу — тўлиб турган хазина,
Паст кетганга ким ҳам омад, бахт тилар?

Интил сен ҳам, юксакликда — истиқбол,
Ниятингга етсанггина эркаксан.
Ўзинг етиб, сўнг бошқадан сўра ҳол,
Дунёга сен шунинг учун кераксан.

Қорақалпоқчадан Н. ОРИФЖОНОВ таржималари.

Тўлепберген МАТМУРОДОВ,

СУЯНАДИ ОДАМГА ОДАМ

Хафа бўлиб тортганда жабр
Суянади одамга одам.
Шод бўлсанг ҳам ёлғизлик оғир,
Суянади одамга одам.

Девор суянади деворга,
Тоғлар суянади тоғларга.
Меҳмон бўлиб кезган чоғларда
Суянади одамга одам.

Ғайри демай миллатин, ирқин,
Ажратмасдан ватанин, юртин,
Яқин кўриб ўзига бутун
Суянади одамга одам.

Қулоқ солинг дўстларим гапга,
Ширин ухлаб ётгани пайтда,
Норастани эс билиб ҳатто —
Суянади одамга одам.

Кунлар келар, келажак равшан,
Хавфдан халос бўлгуси жаҳон.
Эркка тўлиб-тошса ҳам замон,
Суянади одамга одам.

Мурувватнинг шуъласи порлаб,
Меҳр турса ҳар кимни ёритиб,
Бахт майнга тегизишиб лаб,
Суянади одамга одам.

Қўшилади элга эл келиб,
Дунё гўзал сен ва мен келиб.
Бир қудратли аскар тоғ бўлиб
Суянади одамга одам.

Жаҳон халқи қўлга қўл бериб,
Севги тўла дилга дил бериб,
Эзгуликнинг гаштини суриб,
Суянади одамга одам.

Ёлғиз одам ғарибу пурғам,
Бирлик билан инсон мустаҳкам.
Ўзи ерни суяб турса ҳам
Суянади одамга одам.

Қамбар ЎТАЕВ таржимаси.

3. ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИ ҚЎШИҒИ

◆ Бу суратда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон АССР сўз усталари акс этган. Уларни мустаҳкам дўстона ижодий алоқалар боғлаб турибди.

◆ Қорақалпоқ халқ рақси ҳароратли ва бўрондек шиддаткор.

◆ Бир пайтлар кўримсизгина жой бўлган Нукус совет ҳокимияти йилларида ажойиб замонавий шаҳарга айланди. Янги-янги турар жой бинолари, гўзал меъморчилик комплекслари, мактаб ва муассасалар қад кўтармоқда.



• *Қорақалпоқ адабиёти вакиллари*

Навқирон истеъдод

Қорақалпоқ совет болалар адабиётининг асосчиларидан бири — Холмурот Сапаров 50 ёшга тўлди.

Шоир совет болаларини тарбиялашга хизмат қилаётган адабиёт сингари ҳамон навқирон, ғайратга тўла, жисман ва руҳан ёш.

Холмурот Сапаров 11 шеърий китобнинг муаллифидир. Уларнинг ҳаммаси болаларга бағишланган. 30 йилдирки, у комсомолларнинг «Жас ленинши» газетасида ишлаб келади. Ўзининг ёркин ва ҳароратли сўзи билан автоном республика ёшларини меҳнат жасоратларига руҳлантиради.

Кейинги йилларда Х. Сапаров китоблари Қорақалпоғистон чегараларидан ҳам ташқарига чиқди. Унинг асарлари рус ва ўзбек тилларига таржима қилинди. «Сариқ тойчоқ» тўплами эса айрим социалистик мамлакатларда бўлиб ўтган кўргазмаларда, Мюнхенда совет адабиёти энг яхши намуналари кўргазмасида намойиш қилинди.

Х. Сапаров рус тилига тошкентлик шоир Н. Красильников томонидан таржима қилинган ана шу шеърий китоби учун Бердах номли мукофотга сазовор бўлди.

Шоир Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи правленесининг аъзоси, Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар адабиёти бўйича совет раисининг ўринбосаридир. Самарали адабий фаолияти учун Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган. Унга «Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган.

Яқинда Х. Сапаровнинг шеърий китоби Москвадаги «Детская литература» нашриётида ҳам босилиб чиқди. «Агар эртароқ турсанг» деб аталган бу китобдаги шеърларни таниқли болалар ёзувчиси Ю. Кушак таржима қилган.

Бу тўплам Х. Сапаровнинг янги ижодий ютуғидир. У ўз ўқувчилари билан тушунарли, аммо ақлли ва самимий суҳбат олиб боради, уларга Ленин ва Ватан ҳақида, Она ерга ва нонга, меҳнатга муҳаббат ҳақида, жонажон Қорақалпоғистон, унинг одамлари ва табиати ҳақида ҳикоя қилади.

Х. Сапаров ўз шеърларида қорақалпоқ халқининг ақл-заковатини акс эттиришга интилади. Улар ажиб бир самимият, болаларга муҳаббат билан суғорилган.

Вақт эса тўхтовсиз ҳаракатда... Шоир 50 ёшга кирди! Ярим аср. Аммо унинг жўшқин табиати, ижоди, иши бир жойда тўхтаб турмайди. У ўз шеърларида мадҳ этадиган ёш авлод сингари ҳамиша навқирон. Холмурот Сапаров шеърларини ўқиганимизда ана шу жўшқин руҳни, навқиронликни ҳис этамиз, ўзимиз ҳам ёшариб қолгандек бўламиз.

▲ СПОРТ ▲ СПОРТ ▲ СПОРТ ▲ СПОРТ ▲ СПОРТ



Бир очко фарқ билан

БАСКЕТБОЛ

Футболда дарвозага киритилган ягона тўп учрашув тақдирини ҳал қилган пайтлар жуда кўп бўлади. Баскетболда эса бундай эмас. Жуда кўп ҳужумлар ҳалқага тўп туширишдан бошланади. Бироқ бу ерда ҳам ҳалқага туширилган бир тўп учрашув тақдирини ҳал қилган пайтлар бўлиб туради. Тошкентда 9—14 ўринлар учун кураш олиб бораётган олти команда ўртасидаги учрашувларнинг иккинчи кунида худди шундай ҳодиса юз берди. Маълумки, Теннис саройида бу олти команда мамлакат биринчилигининг олий лигасида қоладиган ва келгуси мавсумда биринчи лигада қатнашадиган икки команданинг аниқлаш учун учинчи тур беллашувларини ўтказишмоқда.

Аввал Москванинг «Олмос» командаси имконнятни бой берди. Ўйин давомида у Куйбишевнинг «Строитель» командасини 18 очко фарқ билан енгаётган эди. Аммо пойтахтлик баскетболчилар ўта ҳотиржамликка берилишлари туфайли имконнятни қўлдан бой беришди. Қизиғи шундаки, улар учрашув тугашига 6 секунд вақт қолганида ҳам 72:71 ҳисобида олдинда боришаётган эди. Шу пайт қўпол хатога йўл қўйишди. Улар тўпни рақиб командининг ўйинчисига бериб қўйдилар. Натижада «Строитель» 73:72 ҳисобида ғалабага эришди.

Вильнюснинг «Статиба» ва Таллиннинг «Калев» командалари ҳам майдонда фақат ғалабани кўзлаб ҳаракат қилишди. Бу ерда омад литвалик баскетболчиларга ёр бўлди— 95-91.

Киевнинг Армия спорт клуби ва «Университет» командалари ўртасидаги учрашувнинг тақдири соф маънода икки Андрей Бондаренконинг ҳаракатларига боғлиқ бўлди. Тошкентликларнинг ҳужумчиси 20 ёшда бўлса, унинг киевлик адаши ва фамилиядоши 19 ёшда эди.

Тошкентлик Андрей майдонга марказий ҳужумчи Валерий Филюшкин беш марта огоҳлантириш олгандан кейин чиқди. Бу пайт Рашид Абельянов ҳам майдондан чиқариб юборилган эди. «Университет» ҳисобда орқада қолаётган эди. Шу боисдан ҳам у ўйинни тезлаштиришга ҳар жиҳатдан ҳаракат қилди. Сўнгги дақиқаларда уч очко тўплаб, ниҳоят ўз командасини ҳисобда олдинга олиб чиқди —85—84. Худди шу дақиқада киевликларнинг составида биринчи марта майдонга Андрей Бондаренко чиқди. У шиддатли ҳужумни якунлаб, армиячиларни яна олдинга олиб чиқди. Учрашув тугаганлиги ҳақидаги ҳуштак чалинишига бир неча дақиқа қолган эди.

«Университет» сўнгги ҳужумни уюштирди. Лекин тўп ҳалқага тушмади. Бироқ ҳалқа остида тўп учун бўлган курашда тошкентлик Бондаренко ўзини кўрсатди. У тўпни ҳалқага тушириб, ниҳоятда муҳим ғалабани қўлга киритишга ҳисса қўшди— 87:86.

Шу ўринда, ҳамшаҳарларимизнинг шижоати ва дадилликларини эслатиб ўтиш керак. Аммо улар бу сафар ҳимояда яхши ҳаракат қилишмади. Ниҳоятда кўпол хаталарга йўл қўйишди. Шу боисдан ҳам киевлик армиячилар биринчи бўлимда 54 очко тўпладилар. Бу ҳамшаҳарлар и м и з нинг жиддий хатоларидан биридир. Ўйлаймизки, команда ўйинчилари ва тренерлари навбатдаги учрашувларда бундай камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришади.

С. ДАНИЛОВ.

* * *

СУРАТЛА Р Д А:

Тошкент «Университет» командаси ва Киевнинг Армия спорт клуби командалари ўртасида бўлиб ўтган учрашувдан лавҳалар.

Р. Загратдинов фотолари.

◆ ШАШКА

Ёшлар учун имтиҳон

Республика шахматшашка клубида эркаклар ўртасида ҳалқаро шашка бўйича (олий лига) республика чемпионатига старт берилди. Мусобақа иштирокчилари орасида ўн бир марта республика чемпиони, ҳалқаро классдаги спорт мастери Сергей Давидов, СССР спорт мастерлари, олти марта республика чемпиони Станислав Гуляев, республика чемпиони Владимир Христинков, Юрий Шеманаев, Александр Блейхер, Александр Эндлин, Виктор Александров, Юрий Логачев ва бошқа бир неча кучли мастерликка номзодлар бор. Мусобақалар улар учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки улар беллашувларда етарли балл тўплашса мастер унвонини қўлга киритишади. Шу боисдан баҳслар қизғин кураш остида ўтиши кутилмоқда. Ғолиб ва совриндорлар 22 декабрда аниқланади.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕННИС САРОЙИДА

10—12 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
ОЛИЙ ЛИГАНИНГ ЭРКАКЛАР КОМАНДАЛАРИ
ЎРТАСИДА

БАСКЕТБОЛ

3-ТУР ЎЙИНЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«СТАТИБА» (Вильнюс),
«АСК» (Киев).
«КАЛЕВ» (Таллин).
«АЛМАЗ» (Москва).
«СТРОИТЕЛЬ» (Куйбишев).
«УНИВЕРСИТЕТ» (Тошкент).

ЎЙИНЛАР 10 ДЕКАБРЬ СОАТ 16.00 да, 11, 12 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 12.00 да БОШЛАНАДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Билетлар сотилмоқда.
46-07-53, 46-03-12, 46-68-77 телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин.

«ОБЪЕКТИВ» СИЗГА МУНТАЗИР!

«Объектив» фотостудияси паспорт ва бошқа ҳужжатлар учун фотосуратларни тайёрлаб беради, одамларга группалар бадиий оқ-қора ва рангли тасвирли сурат ишлаб беради, эски фотосуратлардан репродукциялар кўчиради, виньеткаларни ва шунга ўхшаш бошқа хизматларни бажо келтиради.

Фотостудияда хизмат кўрсатишнинг ҳамма усуллари мавжуд. Агарда Сиз ўқиётган бутун синфингиз билан суратга тушиш иштиёқида бўлсангиз, студиянинг мутахассислари виньеткалар учун безакланган планшетларни тайёрлаб беришади. Бу ерда фотосуратлар учун бежирим ва кўркам безакланган альбомни ҳам сизнинг диққатингизга ҳавола қилишади.

«ОБЪЕКТИВ» ФОТОСТУДИЯСИ «ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ ЕНГИНАСИДАГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КОМПЛЕКСИДА ЖОЙЛАШГАН.

Фотостудияга 2, 33, 34-«э», 50, 54, 80«э», 103, 131-автобуслар; 7, 12, 15-троллейбуслар билан («Чилонзор» савдо маркази» бекатигача) борилади.

«ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ.

АВТОМОБИЛЬ УЧУН ШАМПУНЬ

ШАМПУНЬ ИНСОНГА КЕРАК БЎЛГАНИДЕК, АВТОМОБИЛЛАРГА ҲАМ ЖИЛО БЕРИШДА ЖУДА ҚЎЛ КЕЛАДИ.

«КОНЦЕНТРЛАНГАН АВТОШАМПУНЬ»

ЗАҲАРСИЗ, СОВУҚҚА ЧИДАМЛИ, КЎПИК ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ВОСИТА БЎЛИБ, ЛАК ҚОПЛАМАЛИ ВА САЛОНЛАРИ ҒИЛОФЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ҚЎЛДА ВА МАШИНА ВОСИТАСИДА ЮВИШ УЧУН ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙДИР.

Тажриба шуни кўрсатдики, автошампунь такомиллашган препарат бўлиб, уни газлама ва жундан тикилган ғилофларни тозалашда, мой ва бензиндан бўшаган флягалар ва канистрларни ювиш учун дадил ишлатавериш мумкин.

АВТОШАМПУНЬ ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИГА САЗОВОР БЎЛГАН.

Сизнинг автомобилингиз ички ва ташқи томондан ҳамиша ярақлаб туради, 1 литр ҳажмдаги флаконнинг баҳоси — 1 сўм 60 тийин.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁ — САНОАТНИНГ ҚЎШИМЧА ХОМ АШЁ МАНБАИДИР

Автобус паркида ва автоколонналарда, автомобиль ҳаваскорининг гаражида яроқсиз ҳолга келиб қолган шиналар, покришкалар ишлатилмасдан қалашиб ётгандир. Бундай қимматли хом ашё эса ҳамиша саноат учун керак бўлади.

Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг ишдан чиққан авторезиналари, покришкаларидан саноат шиналарни тайёрлаш ва ремонт қилиш, резина пойафзаллар ишлаб чиқариш, ранг-баранг резина-техника буюмлари ва қурилиш материаллари тайёрлаш учун регенерат ишлаб чиқара олади. 1 тонна регенерат 400 килограмм каучукни тежаб қолишини биласизми!

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ВТОРСИРЬЁ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ

ЮК ВА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ИШДАН ЧИҚҚАН ШИНАЛАРИ, ТРАКТОРЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИНИНГ ЯРОҚСИЗ ПОКРИШКАЛАРИНИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛАДИ

Барча маркадаги машиналарнинг ҳамма размердаги камералари фақат ниппеллари қирқиб олинган ҳолда қабул қилинади.
Металлокордли («Р» ҳарфли) ишдан чиққан покришкалар қабул қилиб олинмайди. Покришкалар ва камераларни топшириш пайтида металли буюмлардан тозаланган бўлмоғи керак.
Ишдан чиққан шиналар, камералар, покришкаларни топширувчиларнинг ўзлари қабул пунктига етказиб берадилар.
1 тонна топширилган хом ашёнинг ҳақи прейскурантга биноан тўланади.
Қабул пункти адреси: «Сергели» товар станцияси.

Иш соатлари — 9.00 дан 18.00 гача.

Шанба ва якшанба — дам олиш кунлари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ВТОРСИРЬЁ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.



«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/XIIда **Кузнинг биринчи куни**, 10/XIIда **Бой ила хизматчи.**
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/XII да **Музикали комедиялардан парчалар** (16.00 ва 19.30), 10 XIIда **Гулсара**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА **РСФСР Халқ артисти ИВАН РУБАН раҳбарлигидаги ЕВВОЙИ ҲАЙВОНЛАР АТТРАКЦИОНИ ГАСТРОЛЛАРИ** (19.30).

КИНО

9 ДЕКАБРДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ЎЗБЕКИСТОН—32» — **Ғ. Ғулом номли.**
«СОФЬЯ ГОЛОВКИНА» — **С. Раҳимов номли.**
«СЕНИ СЕВАМАН, МЕНИНГ РОССИЯМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**
«МИЛЛИОНЛАР УНИВЕРСИТЕТИ» — **Қозоғистон.**
«ТАСОДИФМИ?» — **Искра.**
«НАШТАР № 238» — **Кўнча.**
«МОСКВА ЖАСОРАТИ» — **Восток.**
«ҲАЗРАТИ ИНСОННИ ДЕБ» — **Восток.**
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ЗОРРО» — **Санъат саройи** (19.30, телефон 44-21-74).
«39 ЗИНАПОЯ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).
«ЧАНГАЛЗОР ҚИРОЛИ» — **Нунус** (18.30, 21.00).
«ЮКСАК ДОВОН» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).
«ЭКИПАЖ» — **С. Раҳимов номли** (18, 20.30, телефон 48-46-71).
10 ДЕКАБРДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«БИРГАЛИКДАМИ ЕКИ АЙРИМ-АЙРИМ?» — **Кунча.**
СЕВАМАН СЕНИ, МЕНИНГ РОССИЯМ!» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**
«МИЛЛИОНЛАР УНИВЕРСИТЕТИ» — **Қозоғистон.**
«ТАСОДИФМИ?» — **Искра.**
«ОПА-СИНГИЛЛАР» — **Пионер.**
«МУЗ УСТИДА РЕВЮ» — **Тинчлик.**
«БРИГАДА» — **Дружба.**
«ВИЗ 130 МИЛЛИОНМИЗ» — **Мир.**
«ХИНДИСТОН — ВИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**
«ҲАЗРАТИ ИНСОННИ ДЕБ» — **Восток.**
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ЗОРРО» — **Санъат саройи** (11, 13.40, 16.30, 19.30, телефон 44-21-74).
«39 ЗИНАПОЯ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).
«МЕН ҚУРҚАМАН» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).
«ЧАНГАЛЗОР ҚИРОЛИ» — **Нунус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00)
«ЮКСАК ДОВОН» — **Кўнча** (тоқ соатларда, телефон 46-23-16), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).
«ЭКИПАЖ» — **С. Раҳимов номли** (18, 20.30, телефон 48-46-71).

«МОСКВА» РЕСТОРАНИДА
(Чорсу майдони, 1-уй)
15—22 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ
«Рус таомлари»
ҲАФТАЛИГИ УТКАЗИЛАДИ
РЕСТОРАННИНГ КИЧИК ЗАЛИ РУС СТИЛИДАГИ ИНТЕРЬЕРЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛГАН. БУ ЕРДА ХЎРАНДАЛАРГА БОЙ АССОРТИМЕНТДА СОВУҚ ЗАКУСКАЛАР ВА ҚАДИМИЙ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ РУС ОШХОНАСИНИНГ ИССИҚ ТАОМЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.
Чой ичиш учун стол ташкил этилади ва турли хил ширинликлар тавсия қилинади.
«МОСКВА» РЕСТОРАНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ўқитувчилар: математика, физика, сиёсий иқтисод, машинасозлик технологияси, жисмоний тарбия
КОНКУРС МУДДАТИ — 20 ДЕКАБРГАЧА.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй.

«Узгазтехника» махсус конструкторлик-технолог и к бюросининг маҳаллий комитетига берилган йўқолган
ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область, Калинин районидаги Хонобод қишлоқ участка касалхонасига берилган йўқолган
ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент алоқа электротехника институти спорт клубининг йўқолган
ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 473-болалар боғчасининг йўқолган
ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташметрострой» трести механизация бошқармасининг йўқолган
МЕТАЛЛ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

СИЗГА МОДАЛИ КОСТЮМ КЕРАКМИ?

9 — 12 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ
«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»нинг
34-«Тоҳир ва Зуҳра» магазинида

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тикилган

ЭРКАКЛАР КОСТЮМЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИДА МОДАЛИ ДЕТАЛЛАР — БУРМАЛАР, ҚОПЛАМА ЧЎНТАКЛАР, ФИГУРАЛИ ЧОКЛАР ҚЎЛЛАНИБ ТИКИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛДАГИ ВА ТУРЛИ РАНГДАГИ КОСТЮМЛАР БЎЛАДИ.

34-магазин Октябрь бозорида жойлашган.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ!

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

9 ДЕКАБРЬ—ПАЙШАНБА
Марказий телевиденининг «Восток» программаси

18.20 «Миллионлар ленинча университети». «Хўжалик фаолияти соҳасида ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабати». 18.50 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Валенсия» (Испания) — «Спартак» (Москва). Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.35) — «Дунё воқеалари». 20.40 «Буюк халқ ҳақиқати». «Бизнинг умумий ишимиз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Орзуларимни куйлайман». Фильм-концерт премьераси. СССР халқ артисти Г. Ковалева иштирокида. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 В. А. Моцарт. До мажор квартети. Б. Барток номли квартет ижро этади (Венгрия).

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Александр Фадеев. Ижод саҳифалари. 20.00 «Инсон ва қонун». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Архангельское» музей-чорбоғи». 21.30 «Время». 22.05 «Денгиз фаришташи». Телевизион бадиий фильм премьераси (ГДР). 23.15 Ҳужжатли фильм. 23.30 Баскетбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. МАСК — «Реал» (Мадрид). МАСК универсал спорт залидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Агапич». 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.50 Тошкентда ҚҚАССР Маданияти кунлари. «Даврларга тобе эмас». Нукус тарихий музейи ҳақида телефильм. 19.15 «Нозиъмат бунёдкорлари». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Марказий халқ хўжалиги вазифаси» (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевиденнеси ва радиоси эстрада симфоник оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Тошкентда ҚҚАССР Маданияти кунлари. «Ягона оилада». Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси. 22.55 «Ҳаётий муҳаббат». Бадиий фильм.

II

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Шеърият дафтаридан». 18.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.15 «Самарқанд опера театри». Музикали программа (такрорий). 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Самарқанд опера театри». Музикали программа (давоми). 21.00 «Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида». 21.30 МТ II.

10 ДЕКАБРЬ — ЖУМА
Марказий телевиденининг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Ўсмирлар ижоди». 10.10 «Ўғрилик». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия-лар. 12.35 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.15 Телевизион ҳужжатли фильм. 15.55 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 16.55 «Подмосковье қишлоғи янгиликлари». 17.25 «Мунозара клуби». 18.35 Қишги этюд. 18.45 «Жасорат». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «МЕҲНАТ ШОНШУҲРАТИ БАЙРОҚДОРЛАРИ». М. И. КАЛИНИН НОМЛИ ҚҚҚОН ЕҒ-МОЙ КОМБИНАТИНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИ ҲАҚИДА. 19.45 Халқ куйлари. 20.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «ЯГОНА ОИЛАДА» БЕЛОРУССИЯ ССР. Белоруссия ССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Аксёнов сўзи. «Қардошликдан қанотланган диёр». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Рус музейи». Тарихий живопись. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Пушчино. Уфқ ортига бир назар». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 В. Ковтун чалади (аккордеон). 19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Сиз бунга қодирсиз». 21.30 «Время». 22.05 «Декабрь ойи бошидаги икки кун». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 География. Тоғлар. 12.00 «Булутлар узра қўшиқлар». Телевизион бадиий фильм (рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тўс-тўполон». Қўғирчоқ фильм. 18.20 Тошкентда ҚҚАССР Маданияти кунлари. «Қишлоғимиз ўқитувчиси». Телефильм. 18.45 «Иқтисодий шарҳ». Кўрсатувни иқтисод фанлари доктори А. Абдуғаниев олиб боради. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Киноқўрсатув. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Мақом тароналари». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.25 Тошкентда Қорақалпоғистон АССР Маданияти кунларининг очилишига бағишланган тантанали кеча. Қорақалпоғистон санъат усталарининг концерти. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган. 23.35 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент) — «Калев» (Таллин). Репортаж (ёзиб олинган). 00.05 Янгиликлар.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали коллективи музей директорининг илмий ишлар бўйича муовини Ш. Ш. Шохалиловга отаси
Шохалил Шоназарович МАВЛОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
9 ДЕКАБРЬ, 1982 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02. бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар —32-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери —32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—17338.

Газета Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри.

В—2524 Индекс 64690.